

ЮКОРИ НАФАС ЙЎЛЛАРИ ЯЛЛИҒЛАНИШ КАСАЛЛИКЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ЭЛИКСИР ДОРИ ВОСИТАСИНING ТАРКИБИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА ТАДҚИҚОТЛАР

Д.З.Эргашева,З.Х. Абдижалилова

Фармацевтика таълим ва тадқиқот институти,Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси,
e-mail:ergashevadilafroz0511@gmail.com, tel:+998901237170

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10682194>

Ушбу тезисда юқори нафас йўллари яллиғланиш касалликларида қўлланиладиган комбинирланган эликсир дори воситасини мўтадил таркибини танлаш,ажратма олиш усуллари ва ажратувчини танлаш келтирилган.

Калит сўзлар: мацерация, мацерация-циркуляция, қуруқ қолдиқ,қуруқ экстракт, суюқ экстракт, биологик фаол модда.

Долзарблиги: фармацевтика фани ва саноатини ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларидан бири бу маҳаллий дори воситалари турини кенгайтиришдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4670-сон 10.04.2020 йил қарорида доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора тадбирлари тўғрисида айтиб ўтилган. Иммуни тизими касалликларини самарали даволаш ва вирусларга қарши таъсир қиладиган, юқори нафас йўллари яллиғланиш касалликларида қўлланиладиган янги эликсир дори воситасини таркиби Ўзбекистонда етиштирилаётган маҳаллий ўсимликлардан қизилмия илдизи, мойчечак гуллари, қора андиз илдизи, мускат маврак барглари, тўқ қизил эхинация ва ёрдамчи моддалардан иборат қилиб олинди.Ушбу комбинирланган эликсир комплекс таъсир кўрсатади, дастлабки табиий хом ашёлар биргаликда таъсири бир-бирини кучини янада оширади.Бу препаратларни технологиясини ва стандартлаш усулини ишлаб чиқиш фармацевтик технологияни долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади: юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда маҳаллий доривор ўсимликлардан қизилмия илдизи, мойчечак гуллари, қора андиз илдизи, мускат саврак барглари, тўқ қизил эхинация қуруқ экстракти ва ёрдамчи моддалар асосида комплекс эликсир дори воситасини технологиясини яратиш тадқиқотнинг мақсади ҳисобланади.

Тадқиқот материали ва усуллари: мацерация, перколяция, мацерация- циркуляция ва тезлаштирилган усуллардан фойдаланилди.

Натижа ва хулосалар: Юқоридаги ўсимликлар ва ёрдамчи моддаларни комплекс ҳолда ишлатишга мўлжаллаб бир нечта таркиблар ўрганилди. Бу таркиблардан бир-бирига яқин бўлган кўрсаткичларга эга эликсир композициялари тузилди. Таркибларда қизилмия илдизи суюқ экстракти, мойчечак гулларида олинган суюқ экстракт, қизилмия қуруқ экстракти, глицеррзин кислота, қора андиз илдизи суюқ экстрактлари, мускат маврак барглари суюқ экстрактлари ва тўқ қизил эхинация қуруқ экстрактлари танлаб олинди ва уларга ёрдамчи модда сифатида натрий бензоат, этил спирти ва ароматизаторлар қўшилди. Келтирилган доривор ўсимликлар ва ёрдамчи моддалардан фойдаланиб 7 та таркибда тузилган композициялар сифатига баҳо берилиб, бирма-бир ўрганиб чиқилди, натижалар асосида мўтаъдил таркиб танлаб олинди.

Ўтказилган таҳлил натижаларига кўра қизилмия илдизи суюқ экстракти, мойчечак гуллари суюқ экстракти, тўқ қизил эхинация қуруқ экстракти ва ёрдамчи моддалардан натрий бензоат қўшилган таркибли эликсир ташқи кўриниши, зичлиги, рН кўрсаткичи, қуруқ қолдиқ бўйича жавоб берганлиги сабабли ушбу таркибни муайян таркиб қилиб танланди. Ажратма олишда ўсимликларнинг майдалик даражаси катта аҳамиятга эга. Майдалик даражаси ажратма олиш тезлигига бевосита ўз таъсирини кўрсатади.Доривор ўсимлик хом ашёси қанчалик майда бўлса, уни сирти кўпаяди, ажратувчи билан яхши аралашиб биофаол моддаларни суюқликка ўтиш жараёни тезлиги ошади. Аммо доривор

Ўсимликлар хом ашёси қанчалик майда бўлса, шунчалик ажратувчига биофаол моддалар билан бирга кўпгина ёт моддалар ҳам ўтади ва олинган ажратма хиралашиб лойқаланади. Экстракция жараёнида 20%, 40 %, 70 % спирт ёрдамида мацерация-циркуляция усулда ажратма олинди. 20 % ли этил спиртта ва сувда олинган ажратма юқори миқдорда қуруқ қолдиққа ва ташқи кўриниши бўйича талаб даражасига эга бўлди. Мойчечак гулларида олиган сувли дамлама таркиби- 20 % спиртта олинган суюқ экстрактга нисбатан яқин бўлиб, биз спиртта олинган экстрактни олиш маъқул деб ҳисобладик. Этил спиртта олинган экстракт сақлаш жараёнида ва тайёрлаш жараёни яхши натижаларга эгаллиги инобатга олиб, 20 % ли этил спиртта олинган суюқ экстрактни танлаб олинди. Бундан ташқари ажратма олиш усулини танлашда хом-ашёни кимёвий хоссаси ва гистологик тузилиши ҳам ҳисобга олинди. Ажратма олиш усули бир қанча афзалликларга эга бўлиши- кўп жойни банд этмаслиги, кам ажратувчи сарфланиб биофаол моддани максимал ажратиб олишни таъминлаш керак. Натижаларга асосланиб 20% ли этил спиртта мацерация- циркуляция усулида олинган ажратма мақсадга мувофиқ деб танланди. Ажратма олиш жараёнида хом ашё ва ажратувчи табиатига, олиниш усулларига қараб маълум миқдорда ҳар хил ёт моддалар (пектин, шилимшиқ, оқсил) ажралиб чиқади. Ёт моддалар ажратмани 5 кун 10^0 дан юқори бўлмаган жойда қолдириб, кейин филтрлаб олинди.

Хулоса. Эликсирни таркибини танлаб олишда бир қанча ўсимликлар ўрганилиб, улар ёрдамида спиртинг ҳар хил концентрациясида ажратма олинди ва ўсимликларнинг майдалик даражасини ҳам белгилаб олинди. Олинган натижаларни сифат кўрсаткичларига асосланиб, ажратувчи танлаб олинди. Ажратма олишда унга таъсир этувчи омиллар ҳам бирма бир ўрганиб чиқилди.

АДАБИЁТЛАР

1. Настойки, экстракты, эликсиры и их стандартизация/Под ред. Проф. В.Л.Багировой, проф. В.А.Северцева.- СПб.: Спец Лит, 2001. - С.10-21.
2. Эликсиры/ Под ред. В.Г.Макарова.-СПб.:МЦ «Адаптоген», 1999.-218с.
3. Х.М, Абдижалилова З.Х., Исследование специфической активности элексира «Бронхотус форте» // Инфекция, иммунитет и фармакология.-Тошкент-2021.-№2.- Б.453-458.
4. Yunusova Kh.M., Abdijalilova Z.H. «Research On The Choice Of “Ambronat” Syrup Technology» // The American Journal of Medical Sciences and Pharmaceutical Research, February 13, /Vol. 03, Issue 02-01, 2021.-P. 1-9.